

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш”  
кафедраси**

**“Қурилишда баҳони шакллантириш”  
фанидан**

## **МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий  
ташқил этиш,  
5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар)  
таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган**

**Самарқанд – 2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси**

Институтнинг илмий-услубий  
кенгашида кўриб чиқилди ва чоп  
этишга рухсат берилди.  
Рўйхатга олинди: \_\_\_\_\_  
Баённома: № \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2017 йил.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Институтнинг илмий-услубий  
кенгаши раиси,  
тех. фан. ном., доцент А.Р.Рахимов  
\_\_\_\_\_ 2017 йил.

**“Қурилишда баҳони шакллантириш”  
фанидан**

**МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар),  
5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойихавий  
ташкил этиш  
таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.**

**Самарқанд – 2017**

УДК 338.45:69

Ушбу масалалар тўплами Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари, ўқув ва ишчи режа, фаннинг намунавий ва ишчи ўқув дастури асосида тайёрланди.

“Қурилишда баҳони шакллантириш” фанидан масалалар тўплами 5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар) ва 5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган. Масалалар тўпламининг мақсади фаннинг маъруза машғулотларида ва замонавий ахборот манбалари бўйича фанни мустақил ўрганиш давомида олинган назарий билимлар асосида қурилишда баҳони шакллантириш бўйича ҳисоб-китобларни бажариш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

Масалалар тўплами “Қурилишда баҳони шакллантириш” фанининг асосий мавзуларини қамраб олган. Уларнинг ҳар бирида мавзу бўйича қисқача маълумотлар ва назарий материалларни мустаҳкамлаш учун бажариш зарур бўлган масалалар келтирилган.

Тузувчилар: **Раззакова Гулсара Аблакуловна**, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,

**Турдибеков Юсуф Ибрагимович**, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар: **Ганиев Карим Барович**, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори, техника фанлари доктори,

**Бурунов Олмос Бурунович**, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Масалалар тўплами “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси мажлисида (2017 йил 7 март № 6 баённомасида) ва «Қурилишни бошқариш» факультетининг илмий-услубий кенгаш йиғилишида (2017 йил 17 март № 7 баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Чиқиш белгилари: СамДАҚИ. Шакли А5. Буюртма №\_\_ Адади: \_\_ Ҳажми \_\_

## Мундарижа:

	бетлар
Кириш.....	4
Смета ишининг умумий масалалари. Қурилишда баҳони шакллантиришнинг усуллари .....	5
Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳони шакллантириш сиёсати .....	14
Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари. Қурилиш-таъмирлаш ишлари сметаси тузилиши .....	15
Қурилиш қийматини аниқлашда тўғри харажатларнинг ҳисоб-китоби .....	26
Қурилиш-монтаж ишларида пудратчининг бошқа харажатлари ва уни ҳисоблаш. Буюртмачининг бошқа харажатлари.....	34
Республикада марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига инвестиция лойиҳаларни шакллантириш.. .....	37
Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби .....	40
Назорат саволлари .....	47
Таянч иборалар .....	49
Адабиётлар рўйхати .....	50

## Кириш

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига кириш Дастурига асосан баҳонинг шаклланиши бўйича ислохотларни амалга ошириш, инвестицион жараёнларда бозор муносабатларига йўналтирилган сифат жиҳатдан янги баҳолар тизимини яратиш кўзда тутилган.

Корхоналар бизнес-режаларининг ҳақиқийлиги, улар ишлаб чиқариш қувватларининг моддий-техник ресурслар билан муттаносиблиги, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестицион қўйилмалар, хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоблашишлар маҳсулот (товар, хизмат)ларга ўрнатилган ишончли ва асосланган баҳоларга бевосита боғлиқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, баҳонинг шаклланиши бошқарувнинг энг мураккаб ва жавобгарлиги юқори бўлган бўлимлардан биридир. Баҳолар бўйича чиқарилган нотўғри қарорлар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини нафақат ёмонлаштиради, балки уларнинг белгиланган чегаралардан чиқиб кетишига олиб келади ва натижада корхона банкрот бўлиши мумкин.

Фанни ўрганишдан асосий мақсад – қурилиш комплексида баҳонинг шаклланиши ва танлов савдоларини ўтказишнинг назарий ва амалий масалалари бўйича талабаларда билимларни шакллантириш.

“Қурилишда баҳони шакллантириш” назарий курси амалий машғулотлар билан кетма-кетликда олиб борилади. Улар талабаларнинг иқтисодий масалаларни ечишнинг оқилона усулларини босқичма-босқич ўрганиш, назарий билимларни мустақил қўллашнинг биринчи кўникмаларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган.

Амалий машғулотлар назарий материалларни янада чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришни таъминлайдилар, билимларни малака ва кўникмаларга айлантирадилар.

## **МАВЗУ: СМЕТА ИШИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ. ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСУЛЛАРИ**

### **Машғулот мазмуни:**

Қурилишда баҳони шакллантириш механизмини ўрганиш. Қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати таркиби. Қурилиш қийматини аниқлаш усуллари: ресурсли, ресурс-индексли, базис-индексли, базис-компенсацияли.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, Кластер, Синквейн, гуруҳ билан ишлаш, ақлий хужум.

**Адабиётлар:** А4, А5, А7, А9, Қ3, Қ4, Қ5, Қ6, Қ7.

### **Услубий кўрсатмалар**

**Қурилишнинг смета қиймати** – қурилиш (реконструкция, капитал таъмир)ни амалга ошириш учун зарур бўладиган, лойиҳа ҳужжатлари асосида аниқланадиган пул маблағлари йиғиндиси.

Қурилиш маҳсулоти баҳосининг асосига ишлаб чиқариш ресурсларининг ўртача тармоқ харажат меъёрлари ва уларга мамлакатнинг алоҳида туманлари (худудлари) учун маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб белгиланадиган смета баҳолари бўйича аниқланадиган харажатлар нормативлари қўйилган.

Бино, иншоотлар, корхоналар ёки мажмуаларнинг қурилиши (реконструкцияси, кенгайтириши) билан боғлиқ барча харажатлар қурилишнинг смета қийматини ташкил қилади ва қурилишдаги капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмини аниқлаб беради. Қурилиш қиймати капитал қўйилмаларнинг таркибига мос равишда гуруҳлаштирилади:

- бино ва иншоотларни барпо этиш бўйича қурилиш ишларини ишлаб чиқариш;
- қуриладиган бино, иншоот ёки корхонани фойдаланишга киритиш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар, инструментлар ва ишлаб чиқариш инвентарларини сотиб олиш;

- ускуналарни монтаж қилиш (монтаж ишлари) бўйича ишларни ишлаб чиқиш;
- юқорида келтирилган уч турга кирмаган, қурилишни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа капитал харажатлар.

**Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати**га смета таннархи ва смета фойдаси киради. Смета таннархи калькуляцион гуруҳлаш бўйича харажатларни икки гуруҳга ажратиш орқали аниқланади: тўғри харажатлар ва устама харажатлар.

Қурилиш ва монтаж ишларининг қиймати (С) иқтисодий моҳиятига кўра тўғри харажатлар (ПЗ), устама харажатлари (НР) ва смета фойдаси (норматив фойда)дан (СП) ташкил топади.

$$C = ПЗ + НР + СП$$

**Тўғри харажатлар (ПЗ)** лойиҳада кўрсатилиши бўйича тўғридан-тўғри конструктив элементлар, қурилиш ва монтаж ишларининг турлари, қурилиш объектлари бўйича смета меъёрлари ва баҳолари асосида аниқланади.

Тўғри харажатларга қуйидагилар киради: ишчи-қурувчиларнинг иш ҳақиси, материаллар, деталлар ва конструкциялар қиймати, қурилиш машиналари ва механизмларининг эксплуатация харажатлари.

**Устама харажатлар (НР)** қурилишнинг смета қийматида қурилиш ташкилотининг қурилишни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ, қурилиш ишлаб чиқаришининг нормал функциясини бажариш учун шароиталар яратиш, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш хусусий харажатларини қоплаш учун кўзда тутилади. Устама харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархининг бир қисми сифатида намоён бўлади. Устама харажатларга маъмурий-хўжалик харажатлари, қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатишга харажатлар, ишларни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича харажатлар, бошқа устама харажатлар киради.

Устама харажатлари меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан иш турлари ва тармоқ хусусиятлари бўйича белгиланади.

Тўғри харажатлар ва устама харажатлар қурилиш маҳсулотнинг таннархини ташкил қилади.

**Смета фойдаси (СП)** – бу қурилиш ва монтаж ишлари қийматида ҳисобга олинмаган фойда меъёри бўлиб, ҚМИ таннархига нисбатан фоизларда қабул қилинади. Смета фойдасидан ишлаб чиқариш фондлари учун тўловлар, иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратмалар, айланма маблағларни кўпайтириш, кредит учун тўловлар ва бошқа сарфлар амалга оширилади.

### ***Қурилиш қийматини аниқлаш усуллари***

Амалдаги тартибга кўра, қурилиш қиймати ва қурилиш маҳсулотининг шартномавий баҳоси бозор муносабатлари шароитида қуйидаги усулларда аниқланиши мумкин:

- ресурсли усул;
- ресурс-индексли усул;
- базис-индексли усул;
- йириклаштирилган смета нормативлари асосида.

Мисол: Тўғри харажатлар 455 млн. сўм, устама харажатларнинг меъёри 18,0%, смета фойдаси 7,0%ни ташкил этганда объект қурилишининг смета қийматини аниқланг.

Ечилиши:

1) Устама харажатлар = Тўғри харажатлар  $\times$  Устама харажатлар меъёри =  $455,0 \times 18\% = 81,9$  млн. сўм

2) Маҳсулот таннархи = Тўғри харажатлар + Устама харажатлар =  $455,0 + 81,9 = 536,9$  млн. сўм

3) Смета фойдаси = Маҳсулот таннархи  $\times$  Смета фойдаси меъёри =  $536,9 \times 7,0\% = 37,6$  млн. сўм

4) Объект қурилишининг смета қиймати = Маҳсулот таннархи + Смета фойдаси =  $536,9 + 37,6 = 574,5$  млн. сўм

Объект қурилишининг смета қиймати 574,5 млн. сўмни ташкил қилади.



### **1-масала.**

Тўғри харажатлар 220 млн. сўм, устама харажатларнинг меъёри 18,0%, смета фойдаси 8,5%ни ташкил этганда объект қурилишининг смета қийматини аниқланг.

### **2- масала.**

Тўғри харажатлар 128 млн. сўм, устама харажатларнинг меъёри 18,0%, смета фойдаси 6,0%ни ташкил этганда объект қурилишининг смета қийматини аниқланг.

### **3- масала.**

Қуйидаги тест саволларига жавоб беринг:

1. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси капитал қурилишида пудратчи томонидан ҳисобланадиган қурилиш қиймати қуйидаги усуллардан қайси бири ёрдамида аниқланганда энг ишончли ҳисобланади?

- А) базис-индексли усул
- Б) ресурсли усул
- К) ресурс-индексли усул
- Д) базис-компенсацион усул

2. Қурилишнинг смета қиймати қайси харажат элементларидан ташкил топади?

- А) ишчиларнинг асосий иш ҳақлари; қурилиш материаллари қиймати; қурилиш машиналарининг эксплуатацияси бўйича харажатлар
- Б) тўғри харажатлар; устама харажатлар; смета фойдаси
- К) қурилиш ишларининг қиймати; ускуналар, инвентарлар қиймати; монтаж ишларининг қиймати; бошқа харажатлар
- Д) таннарх ва устама харажатлар

3. Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати қайси харажат элементларидан ташкил топади?

- А) тўғри харажатлар ва устама харажатлар
- Б) тўғри харажатлар; устама харажатлар; смета фойдаси

К) тўғри харажатлар ва режали жамғармалар

Д) ишчиларнинг асосий иш ҳақлари; қурилиш материаллари қиймати; қурилиш машиналарининг эксплуатацияси бўйича харажатлар

5. Қурилишнинг смета қийматини ҳисоблашда тўғри харажатлар миқдори қандай аниқланади?

А) ихтиёрий, эркин, томонлар келишуви бўйича

Б) белгиланган давлат дифференциация меъёрлари бўйича билвосита усулда

К) ягона белгиланган давлат меъёрлари бўйича билвосита усулда

Д) иш ҳажмлари, ресурсларнинг давлат смета меъёрлари ва ресурсларнинг бозор баҳолари бўйича тўғридан-тўғри ҳисобга киритиш орқали

5. Тўғри харажатларга қуйидагилар киради:

А) қурилиш ва монтаж ишларининг қиймати; ускуна, инвентарь қиймати; бошқа харажатлар

Б) ишчиларнинг асосий иш ҳақлари; қурилиш материаллари қиймати; қурилиш машиналарининг эксплуатацияси бўйича харажатлар

С) устама харажатлар ва смета фойдаси

Д) таннарх ва смета фойдаси

6. Қурилиш ва монтаж ишларида банд бўлган ишчиларнинг смета иш ҳақлари қандай аниқланади?

А) меҳнат сарфларининг ишлаб чиқариш меъёрини бир бирлик меҳнат сарфининг жорий қийматига кўпайтириш орқали

Б) меҳнат сарфларининг смета меъёрини бир бирлик меҳнат сарфининг жорий қийматига кўпайтириш орқали

С) меҳнат сарфларининг смета меъёрини ишларнинг ўртача разряди соатлик тариф ставкасига кўпайтириш орқали

Д) меҳнат сарфларининг ишлаб чиқариш меъёрини ишларнинг ўртача разряди соатлик тариф ставкасига кўпайтириш орқали

7. Устама харажатларга қуйидагилар киради:

- А) ишчиларнинг асосий иш ҳақлари; қурилиш материаллари қиймати; қурилиш машиналарининг эксплуатацияси бўйича харажатлар
- В) қурилиш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар
- С) ер участкаларини ажратиш, лойиҳа-қидирув ишлари қиймати ва ишчи-қурувчиларнинг иш ҳақлари
- Д) қурилиш ташкилотларининг маъмурий-хўжалик харажатлари

8. Қурилиш-монтаж ишлари қиймати таркибига қуйидаги харажат моддалари киради:

- А) материал харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, асосий фондлар амортизацияси, бошқа харажатлар
- В) материал харажатлар, ишчиларнинг асосий иш ҳақлари, қурилиш машиналари ва механизмларининг эксплуатацияси бўйича харажатлар
- С) материал харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, асосий фондлар амортизацияси
- Д) материаллар, ишчиларнинг асосий иш ҳақлари, қурилиш машиналари ва механизмларининг эксплуатацияси бўйича харажатлар, устама харажатлар

9. Қурилиш ташкилоти маъмурий-бошқарув аппаратининг иш ҳақлари ... таркибига киради.

- А) “Устама харажатлари”
- В) “Тўғри харажатлар”
- С) “Бошқа харажатлар”
- Д) “Смета фойдаси”

10. Смета таннарни – бу:

- А) тўғри харажатлар ва смета фойдаси йиғиндиси
- В) тўғри харажатлар ва устама харажатлар йиғиндиси

С) устама харажатлар ва смета фойдаси йиғиндиси

Д) қиймат ва устама харажатлар ўртасидаги фарқ

11. Қурилиш маҳсулотининг баҳоси қайси усулларда ҳисобланади?

А) йириклаштирилган нормативлар асосида

В) ресурс-индексли

С) базис-индексли

Д) ресурсли, ресурс-индексли, базис-индексли, йириклаштирилган нормативлар асосида

12. Лойиҳалаштириш босқичида қурилиш объектининг баҳоси қайси усул ёрдамида ҳисобланади?

А) йириклаштирилган нормативлар асосида

В) ресурсли

С) ресурс-индексли

Д) базис-индекс

#### **4- масала.**

#### **Кейс -стади**

Лойиҳалаш ташкилоти Самарқанд шаҳрида турар-жой биноси лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.

Турар-жой биноси икки қаватли, режадаги ўлчамлари 15x12 м, бинонинг баландлиги – 6,0 м.

Лойиҳавий қарорлар бўйича вариантларнинг қиёсий иқтисодий таҳлилини ўтказиш учун ушбу объект қурилиши смета қийматини аниқлаш зарурати юзага келди. Лойиҳалаштириш босқичида объектларнинг смета қийматини илгарироқ қурилган объектлар – аналогларнинг маълумотлари ёки йириклаштирилган смета нормативлари бўйича аниқлаш мумкин.

Бино тавсифи:

Пойдеворлар – моноклит лентасимон; деворлар – пиширилган ғишт; ораёпмалар – йиғма темирбетон плиталар; томёпмалар – ёғоч стропилалардаги асбоцемент листлар; поллар – линолеум.

Сув таъминоти, канализация, электр ёритиш, радио, телефон мавжуд.

Капиталлик гуруҳи И. Ички пардоз – яхшиланган. Фасаднинг цоколи мрамар плиталар билан қопланган.

#### Услубий кўрсатмалар:

Кейсни бажаришда йириклаштирилган смета нормативларидан кўчирмадан фойдаланилади:

#### § 4. Икки қаватли ғиштли турар-жой бинолари

Бино тавсифи

Пойдеворлар – буто лентасимон; деворлар – пиширилган ғишт (керамзитбетон, шлакоблок); ораёпмалар – йиғма темирбетон плиталар; томёпмалар – ёғоч стропилалардаги асбоцемент листлар; поллар – линолеум.

Марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти, сув таъминоти, канализация, электр ёритиш, радио, телефон мавжуд.

Капиталлик гуруҳи I.

12-жадвал. Бино 1 м<sup>3</sup> ҳажмининг тўлиқ тиклаш қиймати 2011 йил нархларида сўмда.

Худудий пояс	Бино ҳажми м <sup>3</sup> да, гача					
	1000		1500		2000	
	Ички пардоз					
	оддий	яхшила нган	оддий	яхшила нган	оддий	яхшила нган
	а	б	в	г	д	е
Тошкент ш.	190622	201557	187540	192641	174522	187943

Бинонинг ободонлаштириш турларидан бир ёки бир нечтаси мавжуд бўлмаган ҳолларда тўлиқ тиклаш қиймати қуйидаги микдорларда (%да) камайтиради:

Ободонлаштириш турлари	а	б	в	г	д	е	ж, и	з, к
Марказий иситиш	4,6	4,3	4,6	4,1	3,2	2,9	3,4	2,9
Сув таъминоти	1,0	0,9	0,9	0,8	0,8	0,8	0,8	0,7
Канализация	1,5	1,4	2,4	2,2	2,2	2,0	2,2	2,0
Радио	0,2	0,2	0,4	0,3	0,4	0,4	0,4	0,4
Телефон	0,2	0,2	0,5	0,4	0,5	0,4	0,5	0,4
Иссиқ сув таъминоти	2,4	2,3	2,8	2,6	3,0	2,7	3,0	2,7

Бинонинг ободонлаштириш турларидан бир ёки бир нечтаси мавжуд бўлган ҳолларда тўлиқ тиклаш қиймати қуйидаги микдорларда (%да) оширилади:

Газ таъминоти	1,7 %
Газ колонкали ванна	3,9 %
АГВ типдаги котёлли сув иситиш	6,5%
Печкали иситиш	4,3 %

Турар-жой биносининг капиталлик гуруҳига тузатиш коэффиценти – 1,00

Самарқанд вилояти учун ҳудудий тузатиш коэффиценти – 1,007

Сейсмикликка тузатиш коэффиценти – 1,10

Фойдали баландликка тузатиш коэффиценти – 1,00

Фасад пардозига тузатиш коэффиценти – +2% ёки 1,02.

01.01.2012 йилга қимматлашиш индекси – 1,215

01.01.2013 йилга қимматлашиш индекси – 1,213

01.01.2014 йилга қимматлашиш индекси – 1,219

01.01.2015 йилга қимматлашиш индекси – 1,217

1-топширик:

Бинонинг қурилиш ҳажмини аниқланг.

2-топширик:

Тузатиш коэффициентлари аҳамиятини аниқлаштиринг.

3-топширик:

Турар-жой биносининг қийматини аниқлаш бўйича таклифлар беринг.

## **МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИЁСАТИ**

### **Машғулот мазмуни:**

Ўзбекистон Республикаси капитал қурилишидаги иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси капитал қурилишида баҳони шакллантириш сиёсати.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, фокус қилувчи саволлар, “жуфт бўлиб ўйла-ишла-бўлиш”, Кластер, инсерт.

**Адабиётлар:** А4, А5, А7, А9, Қ4, Қ5, Қ8, Қ9, Қ12.

### **Услубий кўрсатмалар**

Ўзбекистон Республикасида баҳони шакллантириш соҳасида охириги йилларда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш мақсадида меъерий-ҳуқуқий асос яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрда 463-сонли «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2003 йил 3 июлда 305-сонли «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» Қарор ва 2003 йил 11 июнда эса «Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқариладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартнома жорий нархларга ўтиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш, объектлар қурилиши қийматини жорий шартномавий нархларда белгилаш

механизмини такомиллаштириш капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир.

### **1-топшириқ.**

Матнни муҳокама қилинг ва саволларга жавоб беринг.

1. Қурилишда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари қайсилар?
2. Нима деб ўйлайсизлар, қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш зарурати борми?
3. Қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш учун қандай ҳукумат қарорлари қабул қилинган?
4. Қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш йўналишларининг мақсади нимадан иборат?

### **2- топшириқ.**

Қуйидаги мавзу бўйича қисқа эссе ёзинг:

“Қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”.

## **МАВЗУ: ҚУРИЛИШ БАҲОСИНИ ШАРТНОМАВИЙ ЖОРИЙ НАРХЛАРДА АНИҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ. ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ СМЕТАСИ ТУЗИЛИШИ**

### **Машғулот мазмуни:**

Қурилиш маҳсулотига шартномавий баҳоларни аниқлаш ва қурилиш-таъмирлаш ишларига смета тузиш услубияти бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, фокус қилувчи саволлар, “жуфт бўлиб ўйла-ишла-бўлиш”, Кластер, инсерт.

**Адабиётлар:** А4, А5, А7, А9, Қ4, Қ5, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ12.



## Услубий кўрсатмалар

Бинонинг жорий нархлардаги қурилишининг смета қиймати – бинонинг қурилишига, реконструкциясига, қайта қурилишига ва таъмирлашига талаб қилинадиган пул воситалари. Уларнинг миқдори калькуляциялар асосида ҳисобланган барча қурилиш ресурслар ва харажатлар миқдори билан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилишнинг смета қийматини аниқлаш коидалари тузилган ва 20.07.2004 йилда 49-сонли қарори билан тасдиқланган. (ШНК 4.01.16-04)

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қурилиш маҳсулотига шартномавий баҳо Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида” Вақтинчалик Низомга асосан аниқланади. Ушбу Низом тасарруфи ва мулк шаклидан қатъий назар давлат бюджетининг барча даражалари ва мақсадли бюджетдан ташқари фондлар маблағлари жалб қилинган инвестицион қурилишни амалга оширувчи барча корхона ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 11 июнда қабул қилинган 261-сонли “Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқариладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартнома жорий нархларга ўтиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ қурилишнинг баҳоси ресурс усули ёрдамида жорий нархларда аниқланади.

Қурилиш жараёнида истеъмол қилинадиган ресурсларга қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқаришдаги ишчи ва механизаторларнинг меҳнат сарфи;
- қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш харажатлари;
- материалларни ташиш транспорт харажатлари;
- материал ва энергетик ресурслар харажатлари;
- асбоб-ускуна, мебель, инвентарларни харид қилиш учун харажатлар;
- пудратчининг бошқа харажатлари;

- “Қурилишни калити билан топшириш” шартномаси бўйича буюртмачининг бошқа сарф-харажатлари.

“Ресурс усули”ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги:

- асбоб-ускуналар номлари ва миқдори;
- норматив меҳнат сарфи;
- машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;
- қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори;
- бошқа харажатлар ва сарфлар аниқланади.

Объектнинг жорий нархлардаги бошланғич қиймати ушбу босқичда экспертизадан ўтган ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида аниқланади.

Объект қурилишининг жорий нархлардаги бошланғич қийматини буюртмачи (инвестор) ташкилоти ўзи ҳисоблаб олиши мумкин ёки унинг буюртмаси бўйича қуйидаги ташкилотлар ҳисоблаб беради:

- лойиҳа институти;

- инжиниринг ёки консалтинг компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қурилишни ислоҳ қилиш ва баҳони шакллантириш Маркази

Лойиҳа институти, инжиниринг ёки консалтинг компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қурилишни ислоҳ қилиш ва баҳони шакллантириш Маркази томонидан ҳисобланган объект қурилишининг бошланғич қиймати таклиф қилинаётган смета қиймати ҳисобланади. Танлов савдоларини ўтказиш учун ушбу таклиф қилинаётган бошланғич қийматни қабул қилиш ҳақидаги қарорни буюртмачи қабул қилади.

“Ресурс усули” бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C=(C_m+C_{3п}+C_{эм}+П_п+П_3+C_p) \times КР$$

Ёки объект “қурилишни калити билан топшириш” шартномаси бўйича қурилганда:

$$C = (C_o + C_m + C_{зп} + C_{эм} + П_п + П_з + C_p) \times КР$$

Бунда:

$C_o$  – асбоб-ускуналарга, мебель ва инвентарга харажатлар;

$C_m$  – қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар;

$C_{зп}$  – ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақиға харажатлар;

$C_{эм}$  – машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

$П_п$  – пудратчининг бошқа харажатлари;

$П_з$  – буюртмачининг бошқа харажатлари;

$C_p$  – объектлар қурилишини суғурта қилиш харажатлари;

$КР$  – навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексдан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициентлари.

Янги қурилиш, реконструкция ва объектларни кенгайтирилишига смета ҳужжатлари объект лойиҳасининг ишчи чизмалари асосида тузилади ва улар таркибига қуйидагилар киради:

- локал ресурс қайдномалари,
- объект ресурс қайдномалари,
- йиғма смета.

**Локал ресурс қайдномаси** ҳисоби бошланғич ҳужжат бўлиб, алоҳида ишларга ишчи лойиҳа асосида аниқланган ҳажмлари бўйича тузилади.

**Объект ресурс қайдномаси** қурилиш объектига локал сметалар асосида тузилади.

**Йиғма смета** ўз навбатида объект сметалар бўйича янги қурилаётган, реконструкция ва кенгайтирилган бинолар ва иншоотлар учун тузилади.

Бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари қийматини аниқлашнинг биринчи босқичида локал смета ҳисоби тузилади. Ушбу ҳужжатда тўғри харажатлар миқдори ҳисоб-китоб қилинади. Тўғри харажатларга қурилиш материаллари, конструкция ва деталларга қилинган харажатлар, ишчиларнинг иш ҳақларига қилинган харажатлар, қурилиш машина ва механизмларидан

фойдаланиш харажатлари киради. Юқорида кўрсатилиб ўтилганидек, ушбу харажатларнинг ҳажми қурилиш-таъмирлаш ишларининг физик ҳажми ва ҚМҚ (қурилиш меъёрлари ва қоидалари) ёки ШНҚ (шаҳарсозлик номлари ва қоидалари)да келтирилган ресурслар сарфи меъёрлари бўйича аниқланади.

Локал смета ҳисоби қуйидаги жадвал шаклида тузилади:

1-жадвал.

**объекти бўйича**

**локал смета ҳисоби**

№	шифр	Ишлар ва харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		Қиймати	
				бир бирликка	жами	бир бирликка	Умумий
1	2	3	4	5	6	7	8

**1- масала.**

Қурилиш объекти қиймати жорий нархларда қуйидаги маълумотлар асосида аниқлансин:

Кўрсаткичлар	Вариантлар				
	1	2	3	4	5
1. Қурилмалар, мебель ва инвентарларга харажатлар, млн. сўм	15	18	20	10	8
2. Қурилиш материаллар, конструкция ва буюмларга харажатлар, млн. сўм	45	42	56	58	60
3. Машина ва механизмлар эксплуатация	4,5	5,6	8,2	6,5	3,5

харажатлари, млн. сўм					
4. Қурилишга меҳнат сарфи, киши-соат	12000	11500	16800	14900	17500
5. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи харажатлари, сўм	1500	2000	1950	1800	2100
6. Пудратчининг бошқа харажатлари, %	15	18	20	19,5	20
7. Буюртмачининг бошқа харажатлари, %	1,5	2,0	2,5	1,8	1,7
8. Қурилиш объектини суғурталаш учун харажатлари, %	0,2	0,3	0,25	0,18	0,2
9. Таваккалчилик коэффициенти, %	2,0	1,9	2,0	2,2	2,0

Қурилиш объектининг таклиф қилинаётган қиймати ҳисоб-китоби куйидаги жадвалда бажарилсин:

№	Харажатлар номи	Нархи (жами)
1	Қурилмалар, мебель ва инвентарларга харажатлар	
2	Қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларига харажатлар	
3	Ижтимоий суғурта ҳисобга олиниб асосий иш ҳақи харажатлари	
4	Машина ва механизмлар эксплуатация	

	харажатлари	
5	Жами тўғри харажатлар	
6	Пудратчининг бошқа харажатлари	
7	Қурилиш объектининг суғурта учун харажатлари	
8	Таваккалчилик коэффициенти	
9	Жорий нархларда қурилишнинг умумий баҳоси ҚҚСсиз	
10	Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) – 20%	
11	Жорий нархларда қурилишнинг умумий баҳоси ҚҚС билан	

### 2- масала.

Агар қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларига харажатлар 22 млн. сўмни, машина ва механизмлари эксплуатация харажатлари 1,5 млн. сўм, ишчиларнинг иш ҳақлари 15 млн. сўмни ташкил қилса, корхонанинг таъмирлаш ишларини пудрат усулида бажариш имконияти аниқлансин. Корхона 45 млн. сўм пул маблағларига эга.

### 3- масала.

Қуйидаги ишларнинг смета қиймати аниқлансин:

Қалинлиги 20 мм гача бўлган юзаси 10 м<sup>2</sup> гача бўлган алоҳида жойлари бўлган 215 м<sup>2</sup> деворни цемент-оҳакли қоришма билан шuvoқ қилиш. 100 м<sup>2</sup> га ресурслар сарфи меъёри: меҳнат сарфи – 142,5 киши-соат, мачтали кўтаргич – 0,67 маш-соат, сув – 0,35 м<sup>3</sup>, оғир цемент-оҳакли қоришма – 2,2 м<sup>3</sup>.

Ресурслар нархи: 1 киши-соат – 5500,67 сўм, мачтали кўтаргичнинг 1 маш-соати – 3206 сўм, 1 м<sup>3</sup> сув – 250 сўм, 1 м<sup>3</sup> қоришма – 214 500 сўм.

#### 4- масала.

Қуйидаги қурилиш-таъмирлаш ишларининг тавсия қилинаётган (бошланғич) қиймати локал смета ҳисоби, истеъмол ресурслари қайдномаси ва ишларнинг тавсия қилинаётган қиймати қайдномасини тузиш орқали аниқлансин:

#### Ишлар ҳажми қайдномаси

№	Бажариладиган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми
1	Эски бўёқларни 10%гача тозалаб, юқори сифатли мойли бўёқлар билан деразаларни бўяш	м <sup>2</sup>	452
2	Эски бўёқларни 35%гача тозалаб, юқори сифатли мойли бўёқлар билан эшикларни бўяш	м <sup>2</sup>	215
3	Эски бўёқларни 35%гача тозалаб, сувли эмульсия бўёқлари билан деворларни бўяш	м <sup>2</sup>	820

Қуйидаги маълумотлардан фойдаланилсин:

Жадвал 62-14. Юқори сифатли мойли бўёқлар билан деразаларни бўяш

Ўлчов бирлиги : 100 м<sup>2</sup>

62-14-1 Эски бўёқларни 10%гача тозалаб юқори сифатли мойли бўёқ билан деразаларни бўяш

62-14-2 Эски бўёқларни 35%гача тозалаб юқори сифатли мойли бўёқ билан деразаларни бўяш

62-14-3 Эски бўёқларни 35%дан ортиқ тозалаб юқори сифатли мойли бўёқ билан деразаларни бўяш

Ресурслар коди	Харажатлар номланиши	Ўлчов бирлиги	62-14-1	62-14-2	62-14-3
1	Ишчи-қурувчилар меҳнат харажатлари	киши-соат	89,7	126,88	179,4

Машина ва механизмлар					
C1522	Мачтали кўтаргич	маш-соат	0,1	0,1	0,1
C2509	5 т гача юк кўтарадиган бортли автомобиллар	маш-соат	0,06	0,06	0,06
Материаллар					
C43231	Мойли бўёқ	т	0,0174	0,00181	0,0191
C31651	Олифа К-3	т	0,0058	0,0092	0,0138
C31710	Клейли шувоқ	Т	0,0432	0,0495	0,0575
C75007	Шлифовал қоғоз	1000 м <sup>2</sup>	0,0016	0,0016	0,0016
C35512	Шлакли пемза	м <sup>3</sup>	0,0044	0,0044	0,0044
C44059	Ветошь	кг	0,21	0,21	0,21

Жадвал 62-15. Юқори сифатли мойли бўёқ билан илгари бўялган эшикларни бўяш

Ўлчов бирлиги: 100 м<sup>2</sup>

62-15-1 Юқори сифатли мойли бўёқ билан олдин бўялган эшикларни 10%гача тозалаб бўяш

62-15-2 Юқори сифатли мойли бўёқ билан олдин бўялган эшикларни 35%гача тозалаб бўяш

62-15-3 Юқори сифатли мойли бўёқ билан олдин бўялган эшикларни 35%дан ортиқ тозалаб бўяш

Ресурслар коди	Харажатлар номланиши	Ўлчов бирлиги	62-15-1	62-15-2	62-15-3
1	Ишчи-қурувчилар меҳнат харажатлари	киши-соат	51,07	79,57	115,48
Машина ва механизмлар					
C1522	Мачтали кўтаргич	маш-соат	0,1	0,1	0,1



C2509	5 т гача юк кўтарадиган бортли автомобиллар	маш-соат	0,06	0,06	0,06
<b>Материаллар</b>					
C43231	Мойли бўёқ	т	0,0169	0,0176	0,0187
C31651	Олифа К-3	т	0,006	0,01	0,0155
C31710	Клейли шувок	т	0,0441	0,0472	0,0555
C75007	Шлифовал қоғоз	1000 м2	0,0016	0,0016	0,0016
C35512	Шлакли пемза	м3	0,0044	0,0044	0,0044
C44059	Ветошь	кг	0,21	0,21	0,21

Жадвал 62-16 Илгари бўялган деворларни сувли эмульсия билан бўяш

Ўлчов бирлиги: 100 м<sup>2</sup>

62-16-4 Бўялган деворларни 10%гача тозалаб сувли эмульсия билан бўяш

62-16-5 Бўялган деворларни 35%гача тозалаб сувли эмульсия билан бўяш

62-16-6 Бўялган деворларни 35%дан ортиқ тозалаб сувли эмульсия билан бўяш

<b>Ресурслар коди</b>	<b>Харажатлар номланиши</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>62-16-4</b>	<b>62-16-5</b>	<b>62-16-6</b>
1	Ишчи-курувчилар меҳнат харажатлари	киши- соат	20,09	28,02	29,6
<b>Машина ва механизмлар</b>					
C1522	Мачтали кўтаргич	маш- соат	0,1	0,1	0,1
C2509	5 т гача юк кўтарадиган бортли автомобиллар	маш- соат	0,06	0,06	0,06
<b>Материаллар</b>					
C31054	Сувли эмульсия бўёғи	т	0,063	0,067	0,071
C31651	Кир ювадиган совун	т	2,4	3,2	5,1
C31710	Клейли шувок	т	0,051	0,064	0,072

C75007	Шлифовал қоғоз	1000 м <sup>2</sup>	0,0016	0,0016	0,0016
C35512	Шлакли пемза	м <sup>3</sup>	0,0044	0,0044	0,0044
M9210	Сув	м <sup>3</sup>	0,24	0,24	0,24
C31684	Суюқ клей	кг	1,43	2,43	4,02
C30653	Майдаланган бўр	т	0,0041	0,012	0,0255

### **5- масала.**

#### **Кейс-стади**

Лойиҳа ташкилоти 100 ўринли меҳмонхона биносининг қурилишига смета ҳужжатларини ишлаб чиқмоқда (рақамли шароитлар).

Ҳисоб-китоб натижасида қуйидаги маълумотлар олинди:

1. Ускуна ва мебеллар қиймати – 80,0 млн. сўм
2. Қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларига харажатлар – 156,0 млн. сўм
3. Машина ва механизмлар эксплуатация харажатлари – 8,2 млн. сўм
4. Қурилишнинг меҳнат сарфи – 16800 киши-соат
5. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ишчининг ўртача соатлик иш ҳақиси – 5500 сўм
6. Пудратчининг бошқа харажатлари – 18,11%
7. Буюртмачининг бошқа харажатлари – 2,0%
8. Қурилиш объектини суғурталаш харажатлари – 0,3%
9. Таваккалик коэффиценти – 2,0%.

Объект қурилишининг шартномавий баҳосини жорий нархларда ресурсли усулда аниқлаш учун объектнинг таклиф қилинаётган (бошланғич) қиймати қайдномасини тузиш талаб қилинади.

### **6- масала.**

Қуйидаги маълумотлар асосида таъмирлаш ишлари қиймати жорий нархларда аниқлансин: қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларига харажатлар – 25,5 млн. сўм, машина ва механизмлар эксплуатация

харажатлари – 3,0 млн. сўм, ишчиларнинг меҳнат харажатлари – 18,0 млн. сўм, пудратчининг бошқа харажатлари – 18,11%, таваккаллик коэффициенти – 2,0%.

## **МАВЗУ: ҚУРИЛИШ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШДА ТЎҒРИ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ**

### **Машғулот мазмуни:**

Ишчи-қурувчиларнинг асосий иш ҳақларига харажатлар ҳисоб-китоби. Қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларига харажатлар. Қурилиш машина ва механизмлари эксплуатация харажатларини аниқлаш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, фокус қилувчи саволлар, “жуфт бўлиб ўйла-ишла-бўлиш”, Кластер, инсерт.

**Адабиётлар:** А4, А5, А7, А9, Қ4, Қ5, Қ8, Қ9, Қ12.

### **Услубий кўрсатмалар**

Қурилишнинг қийматини аниқлашда қурилишнинг тўғри харажатларини тўғри ҳисоблаш лозим бўлади, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- қурилиш материаллари, констукциялари ва буюмларига харажатлар;
- ишчиларнинг асосий иш ҳақлари;
- қурилиш машина ва механизмларининг эксплуатацияси бўйича харажатлар.

*Асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарга харажатлар* транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар (етказиб берувчилар)нинг нархлари қўлланилган ҳолда спецификациялар асосида ёки нархлар мониторинги асосида шакллантириладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

*Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига харажатлар* мазкур минтақада шаклланган бирликка ўртача нархлар қўлланилган ҳолда тендер ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқиладиган Йиғма ресурс ҳисоб-китобига мувофиқ амалдаги кўрсаткичлар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_m = C_{m1} + C_{m2} + C_{m3} + \dots + C_{mp},$$

бунда,  $C_{m1}$ ,  $C_{m2}$ ,  $C_{m3}$ ,  $C_{mp}$  – қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг айрим турлари қиймати:

$$C_{mp} = N \times C_{cp},$$

Бунда:  $N$  – объект қурилиши учун талаб қилинадиган қурилиш материаллари (буюм, конструкция)нинг алоҳида тури миқдори;

$C_{cp}$  – қурилиш материали (буюм, конструкция) бирлигига ўртача нарх.

Ҳар хил қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар)нинг ўртача қиймати тайёрловчи заводларнинг улгуржи сотиш нархлари, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар.

“Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан чиқариладиган каталоглар, «Давархитектқурилиш» кўмитасининг нарх белгилаш бўйича минтақавий марказлари маълумотлари асосида аниқланади.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар) нархлари тайёрловчи заводларнинг улгуржи нархларини, идишларга харажатларни, транспорт харажатларини, таъминот-сотиш ташкилотларининг устама нархларини ўз ичига олади. Транспорт харажатларини “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган юклар қурилиш учун ташишга ҳисоб-китоб жорий нархларини аниқлаш бўйича методик тавсиялар асосида ҳисоблаб чиқиш тавсия қилинган.

***Иш ҳақи харажатлари*** объектнинг норматив меҳнат сарфини бир киши-соатнинг жорий қийматига (сўмларда) ва ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{zp} = T \times C_{ch} \times K_{cs},$$

Бунда:

$T$  – тендер ҳужжатлари таркибида ёки ишга туширилган объектларга ўхшаш киши-соатларда аниқланадиган объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи;

Сч – ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, объект қурилиши қийматини ҳисоблаб чиқишда минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача статистик ойлик иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади;

Ксс – ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент ўртача соатлик иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$Сч=Змс:Ф$$

бунда:

Змс – олдинги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида бир ой учун ҳисоблаб чиқилган минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи, ойига сўм;

Ф – Ўзбекистан Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги маълумотлари бўйича соатларда иш вақтининг ўртача ойлик фонди.

Объект қурилиши қийматини аниқлашда машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари қиймати жорий нархларда қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

$$Сэм=ЭМ х Цпр$$

бунда:

ЭМ – машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлардаги ҳажми;

Цпр – машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соат/сўмлардаги жорий нархлари.

Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг жорий нархларини “Давархитектқурилиш” қўмитасининг методик тавсиялари асосида аниқлаш тавсия қилинган.

## **1- масала.**

### **Кейс-стади**

Объектнинг жорий таъмирига смета ҳужжатларини тузишда лойиҳа ташкилоти қуйидаги ишларни бажариш учун қурилиш ресурсларига бўлган талабни аниқлаши лозим бўлади:

- Қалинлиги 20 мм гача бўлган 10 м<sup>2</sup> юзагача бўлган деворни оҳакли қоришма билан шувоқ қилиш – 258 м<sup>2</sup>.

1-топширик:

Қурилиш ресурсларига бўладиган харажатларни аниқлашда қайси смета меъёрларидан фойдаланиш лозим бўлади?

2-топширик:

Материалларга бўлган харажатларни, ишчиларнинг асосий иш ҳақларини ҳамда машина ва механизмлари эксплуатацияси харажатлари аниқлансин.

### Услубий кўрсатмалар

Ҳисоб-китобларда қуйида келтирилган ШНҚнинг 61-тўплами кўчирмаларидан фойдаланилсин:

Жадвал 61-2. Деворларнинг айрим жойларининг шувоғини таъмирлаш

Ўлчов бирлиги 100 м<sup>2</sup>

61-2-1 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 1 м<sup>2</sup> гача оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-3 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 10 м<sup>2</sup> гача оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-7 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 1 м<sup>2</sup> гача цемент-оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-9 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 10 м<sup>2</sup> гача цемент-оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-11 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 10 м<sup>2</sup> дан ортиқ цемент-оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

Ресурслар коди	Харажатлар номланиши	Ўлчов бирлиги	61-2-1	61-2-3	61-2-7	61-2-9	61-2-11
1	Ишчи – курувчиларнинг меҳнат харажатлари	киши-соат	203,07	146,07	228,35	157,10	142,65

Машина и механизмлар							
C1522	Мачтли кўтаргич	маш-соат	0,67	0,67	0,67	0,67	0,67
Материаллар							
M43546	Оғир оҳакли қоришма	м <sup>3</sup>	2,2	2,2	-	-	-
M43545	Оғир цемент - оҳакли қоришма	м <sup>3</sup>	-	-	2,2	2,2	2,2
M9210	Сув	м <sup>3</sup>	0,35	0,35	0,35	0,35	0,35

## 2- масала.

Қуйидаги ишни бажариш учун қурилиш материалларига бўлган умумий талабни (натурал миқдорда) аниқланг?

- тошли деворлардаги икки қаватли дераза коробкаларини таъмирлаш – 20 дона;

- дераза переплётларини тайёр элементлар ёрдамида таъмирлаш – 20 дона.

Ҳисоб-китобларда қуйида келтирилган ШНҚнинг кўчирмаларидан фойдаланилсин:

Жадвал 56-4. Дераза коробкаларини таъмирлаш

Ўлчов бирлиги 100 коробка

56-4-1 Тошли деворларда бир қаватли дераза коробкаларини таъмирлаш

56-4-2 Тошли деворларда икки қаватли дераза коробкаларини таъмирлаш

Ресурс коди	Харажат номланиши	Ўлчов бирлиги	56-4-1	56-4-2
1	Ишчи – қурувчиларнинг меҳнат харажатлари	киши-соат	505,0	910,0
Машина и механизмлар				
C2509	5 т гача юк	маш-соат	0,13	0,19

	кўтарадиган бортли автомобиллар			
<b>Материаллар</b>				
C36084	2 сортли қалинлиги 40 – 75 мм бўлган кесма ёғоч бруслар	м <sup>3</sup>	0,54	1,35
C38617	Пакля	кг	46,3	46,9
C30654	Гипс	т	0,165	0,238
C35100	Шуруп 3,5x35мм	т	0,001	0,001
C30407	Қурилиш миxlари	т	0,004	0,006
C31928	Толь	м <sup>2</sup>	31,3	31,5
C31687	Қуруқ елим	кг	0,002	0,002
M9210	Сув	м <sup>3</sup>	0,17	0,24
C32104	Битум мастика	т	0,17	0,24

Жадвал 56-5. Дераза переплётларини таъмирлаш

Ўлчов бирлиги 100 ром

56-5-1 Тайёр элементлар ёрдамида

56-5-2 Элементларни тайёрлаш орқали таъмирлаш

<b>Ресурс коди</b>	<b>Харажат номланиши</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>56-4-1</b>	<b>56-4-2</b>
1	Ишчи – қурувчиларнинг меҳнат харажатлари	киши-соат	347,91	376,26
<b>Машина и механизмлар</b>				
C2509	5 т гача юк кўтарадиган бортли автомобиллар	маш-соат	0,19	0,19



Материаллар				
C36084	2 сортли қалинлиги 40 – 75 мм бўлган кесма ёғоч бруслар	м <sup>3</sup>	-	0,66
C36287	Тайёр қурилиш ёғоч тахталари	м <sup>3</sup>	0,66	-
C35100	Шуруп 3,5x35мм	т	0,004	0,004
C31687	Қуруқ елим	кг	0,8	0,8
M9210	Сув	м <sup>3</sup>	0,17	0,24

### 3- масала.

Қурилиш машина ва механизмлари ҳамда меҳнат сарфига бўлган талаб куйидаги ишлар учун аниқлансин:

- тошли деворлардаги икки қаватли дераза қоробкаларини таъмирлаш – 30 дона;
- дераза переплётларини тайёр элементлар ёрдамида таъмирлаш – 40 дона.

2-масалада келтирилган ШНҚ кўчирмаларидан, шунингдек куйидаги маълумотлардан ҳисоб-китобларда фойдаланилсин:

- Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи – 2800 сўм,
- 5 т гача юк кўтарадиган бортли автомобилларнинг 1 машина-соат қиймати – 1650 сўм.

### 4- масала.

Қуйидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган қурилиш материалларининг умумий қиймати аниқлансин:

№	Материалларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Талаб	Бир бирликнинг баҳоси, сўм
1	Мойли бўёқ	т	2,5	2800
2	Сувли эмульсия бўёғи	т	1,6	1900
3	Дурадгорлик елими	кг	5,5	1800
4	Шпатлевка	кг	35	2850
5	Олифа	кг	65	2200

### 5- масала.

Қуйидаги ишни бажариш учун қурилиш ресурсларига бўлган талаб аниқлансин:

- Қалинлиги 20 мм гача бўлган юзаси 10 м<sup>2</sup> гача бўлган алоҳида жойлари бўлган 258 м<sup>2</sup> деворни оҳакли қоришма билан шувокни таъмирлаш.

Ҳисоб-китобларда қуйида келтирилган ШНҚнинг кўчирмаларидан фойдаланилсин:

Жадвал 61-2. Деворларнинг айрим жойларининг шувоғини таъмирлаш

Ўлчов бирлиги 100 м<sup>2</sup>

61-2-1 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 1 м<sup>2</sup> гача оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-3 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 10 м<sup>2</sup> гача оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-7 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 1 м<sup>2</sup> гача цемент-оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-9 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 10 м<sup>2</sup> гача цемент-оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

61-2-11 – Деворларнинг айрим жойларини 20 мм қалинликда юзаси 10 м<sup>2</sup> дан ортиқ цемент-оҳакли қоришма билан шувоғини таъмирлаш

Ресурслар коди	Харажатлар номланиши	Ўлчов бирлиги	61-2-1	61-2-3	61-2-7	61-2-9	61-2-11
1	Ишчи – курувчиларнинг меҳнат харажатлари	киши- соат	203,07	146,07	228,35	157,10	142,65
Машина и механизмлар							
C1522	Мачтли кўтаргич	маш-соат	0,67	0,67	0,67	0,67	0,67
Материаллар							
M43546	Оғир оҳакли қоришма	м <sup>3</sup>	2,2	2,2	-	-	-
M43545	Оғир цемент - оҳакли қоришма	м <sup>3</sup>	-	-	2,2	2,2	2,2
M9210	Сув	м <sup>3</sup>	0,35	0,35	0,35	0,35	0,35

#### **6- масала.**

Қурилиш машина ва механизмлари ҳамда меҳнат сарфига бўлган талаб Қалинлиги 20 мм гача бўлган юзаси 10 м<sup>2</sup> гача бўлган алоҳида жойлари бўлган 450 м<sup>2</sup> деворни цемент-оҳакли қоришма билан шувокни таъмирлаш ишлари учун аниқлансин. 5-масалада келтирилган ШНҚ кўчирмаларидан, шунингдек қуйидаги маълумотлардан ҳисоб-китобларда фойдаланилсин:

- Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи – 2800 сўм,

- мачтали кўтаргичнинг 1 машина-соат қиймати – 850 сўм.

### **МАВЗУ: ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИДА ПУДРАТЧИНИНГ БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШ. БУЮРТМАЧИНИНГ БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ**

#### **Машғулот мазмуни:**

Пудратчи ва буюртмачининг бошқа харажатлари. Пудратчининг бошқа харажатларининг улуши.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, фокус қилувчи саволлар, “жуфт бўлиб ўйла-ишла-бўлиш”, Кластер, инсерт.

**Адабиётлар:** А4, А5, А7, А9, Қ4, Қ5, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ12.

### Услубий кўрсатмалар

Қурилишнинг смета қийматини аниқлашда пудратчининг ва буюртмачининг бошқа сарф-харажатлари ҳисобга олинади. Пудратчининг бошқа харажатлари (Пп) зарур фойдадан, мажбурий тўловлар ва ажратмалар ҳамда ишлаб чиқаришга оид харажатлардан (устама харажатлардан) иборат. Объектнинг қурилиш қийматини аниқлашда пудратчининг бошқа харажатлари тўғри харажатлар йиғиндисидан фоиз ҳисобида қабул қилинади. 2016 йил 1 январидан бу кўрсаткич тўғри харажатларнинг 18,11%ини ташкил қилади (илгари 22,05%).

Объектнинг бошланғич қийматини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Пп=(См + Сзп + Сэм) \times У$$

бу ерда:

См – қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари қиймати;

Сзп – ижтимоий суғурталашга ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда асосий иш ҳақиға харажатлар;

Сэм – машина ва механизмлари эксплуатация харажатлари;

У – қурилиш-таъмирлаш ишларининг тўғри харажатларига нисбатан фоизда пудратчининг бошқа харажатлари.

Устама харажатлар қурилишнинг смета қийматида қурилиш ташкилотининг қурилишни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ, қурилиш ишлаб чиқаришининг нормал функциясини бажариш учун шароиталар яратиш, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш хусусий харажатларини қоплаш учун кўзда тутилади.

Буюртмачининг бошқа харажатлари қуйидаги харажатлардан иборат:

- қидирув ишлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;

- танлов савдосини ўтказиш, танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

- муаллифлик ва техник назоратини амалга ошириш;

- бузиб ташланган иморат, кесиб ташланган дарахтлар учун эгасига тўланадиган бадал ҳақи харажатлари.

- қурилишни суғурта қилиш харажатлари.

- қурилиш нархини ошишига компенсация (таваккалчилик коэффициенти).

- банк кредитининг фоизлари харажатлари (банк қарзи ҳисобига қурилаётган объектни молиялаштирилган ҳолда).

Буюртмачининг бошқа харажатлари қурилиш-таъмирлаш ишларининг смета қийматини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

### **1- масала.**

#### **Кейс-стади**

Смета ҳужжатларини тузишда ва турар-жой биносининг бошланғич қурилиш қийматини аниқлашда пудратчининг бошқа харажатларини ва буюртмачининг бошқа харажатларини аниқлаш зарурияти юзага келган.

Турар-жой биноси қурилишининг тўғри харажатарни бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларига харажатлар – 125 млн. сўм;

- ижтимоий суғурталашга ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда ишчи-қурувчиларнинг асосий иш ҳақиға харажатлар – 32 млн. сўм;

- қурилиш машина ва механизмлари - қурилиш машина ва механизмлари эксплуатация харажатлари – 7,5 млн. сўм.

Смета ҳужжатларини тузиш вақтида пудратчининг бошқа харажатларининг нормативи 18,11%ни, буюртмачининг бошқа харажатларининг ҳажми 2%ни ташкил қилган.

1-топширик:

Пудратчининг бошқа харажатлари санаб берилсин.

2-топширик:

Буюртмачининг бошқа харажатларининг таркиби муҳокама этилсин.

3-топширик:

Пудратчи ва буюртмачининг бошқа харажатларининг ҳажми ҳисоблаб чиқилсин.

## **МАВЗУ: РЕСПУБЛИКАДА МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИГА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **Машғулот мазмуни:**

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли “Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида”ги Қарори. Объект қурилишини “калити билан топшириш”. Марказлаштирилган капитал қўйилмалари манбалари.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, фокус қилувчи саволлар, “жуфт бўлиб ўйла-ишла-бўлиш”, Кластер, инсерт.

**Адабиётлар:** А4, А5, А7, А9, Қ4, Қ5, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ12.

### **Услубий кўрсатмалар**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қурилишни ташкил этиш шартнома асосида амалга оширилмоқда (ЎзР ВМнинг 1993 йил 21 июндаги 369-сонли қарори).

Капитал қурилишда буюртмачи ва пудратчи ўртасида тузиладиган шартномалар қуйидаги турларга бўлинади:

- тўғридан-тўғри – анъанавий шартнома;
- лойиҳа-қурилиш шартномаси;

- уч томонлама шартнома;
- “қурилишни калити билан топшириш” шартномаси.

Объектлар қурилиши марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилганда “қурилишни калити билан топшириш” шартномаси тузилади. Бу турдаги шартнома лойиҳа-қурилиш шартномасининг давоми ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри шартномани тузишда пудратчи ташкилот қурилиш ишларининг алоҳида турлари мажмуасини бажаради.

Лойиҳа-қурилиш шартномасини тузишда пудратчи ташкилот лойиҳалаш ва қурилиш ишларини бажаради. Биноларни “калит билан топшириш” шартномасини тузишда пудратчи ташкилот лойиҳалаш, қурилиш, технологик асбоб-ускуналарини ўрнатиш ва маҳсулотни синаш қисмини ишлаб чиқиш ишларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 12 сентябрда 395-сонли қарор қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Инвестиция Дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилган.

### **Ўзбекистон Республикаси Инвестицион дастурини шакллантириш**

#### **СХЕМАСИ**

<b>Босқич-лар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддати</b>	<b>Масъул ташкилотлар</b>
1	Иқтисодиёт вазирлиги туманлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари (буюрмачилар)га Ўзбекистон Республикаси Инвестицион дастурига таклифларни киритиш бўйича услубий кўрсатмаларни тақдим этади	апрель	Иқтисодиёт вазирлиги
2	Буюртмачилар лойиҳалар бўйича дастлабки маълумотларни тайёрлайди ва таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этадилар	Май-июнь	Буюртмачилар
3	Иқтисодиёт вазирлиги таклифларни кўриб чиқиб, уларни	Июнь-июль	Иқтисодиёт вазирлиги

	маълум тармоқлар ривожланиши устувор йўналишларига кўра гуруҳларга ажратади		тармоқлар бўйича бўлимлари
4	Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давархқурилишқўмитаси ва банклар хамкорлигида Инвестицион дастурга киритиладиган лойиҳаларни танлаб олади	Август-сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давархқурилиш қўмитаси ва банклар
5	Инвестицион дастур лойиҳаси Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Бирлаштирилган Коллегияси томонидан кўриб чиқилади	сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Бирлаштирилган Коллегияси
6	Инвестицион дастур лойиҳасига тузатишлар киритилади	Сентябрь-октябрь	Иқтисодиёт вазирлиги
7	Инвестицион дастур лойиҳаси тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади	октябрь	ТИА департаменти
8	Янгидан қуриладиган объектлар бўйича танлов савдолари ташкил этилади	Октябрь-ноябрь	Давархқурилиш қўмитаси буюртмачилар
9	Инвестицион дастурга ва ўтказилган танлов савдоларига мувофиқ шартномалар ва титул рўйхатлар тузилади	декабрь	Буюртмачилар, пудратчилар

### Топшириқ:

Юқорида берилган материалларни ўрганиб, қуйидаги саволларга жавоб берилсин:

- Қурилишда қандай турдаги шартномалар тузилади?
- Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қандай турдаги шартнома тузилади?



- Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш қандай тартибда амалга оширилади?

- Ўзбекистон Республикаси Инвестицион Дастури қандай тартибда шакллантирилади?

## **МАВЗУ: КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

### **Машғулот мазмуни:**

Танлов савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш механизми бўйича назарий билимларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** блис-сўров, фокус қилувчи саволлар, “жуфт бўлиб ўйла-ишла-бўлиш”, Кластер, инсерт.

**Адабиётлар:** А4, А7, А8, А9, Қ1, Қ6, Қ7.

### **Услубий кўрсатмалар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар ҳарид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига асосан танлов савдолари (тендерлар) орқали амалга оширилади. Уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини эса ушбу Қарорда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низом белгилайди.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

- очик танлов савдолари – оферентлар сони чекланмайди;
- ёпик танлов савдолари – оферентлар сони чекланади.

Ёпик танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар) нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилари (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларини, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юбордилар.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳр иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Уларнинг бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва (ёки) унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Эркин савдода харид қилишда таклифларни етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.

Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчинини танлов баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади.

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида эълонга ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;
- танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш маблағлари;
- танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;
- танлов савдолари предметини сотиш муддати;
- талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;
- танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;
- оферталарни тақдим этиш жойи, охири куни ва вақти;
- оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Умумий қисмга қуйидагилар киради:

- танлов савдоларида қатнашишишга таклифнома;
- товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш фазасидан шартноманинг умумий шартлари;
- талабгорнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртномалар шакли;
- талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонлари, танлов таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари қолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига таалуқли бошқа ҳужжатларда иборат бўлган йўриқнома.

Техник қисм қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми ишлар (хизматлар)ни бажариш ва (ёки) товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади.

Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади. Танлов комиссияси ҳар бир мажлисда баённома юритилади.

### **1-масала.**

#### **Кейс-стади**

Инжиниринг компаниясининг тендер қўмитаси объект қурилишига танлов савдоларини ўтказиши лозим. Лот №67 – 100 ўтириш жойига эга кафе биноси. Лотнинг бошланғич қиймати 1 500 200 минг сўмни ташкил қилади.

Тендер қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситаларига тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилди.

Тендер қўмитасига бир нечта қурилиш ташкилотларидан таклифлар тушди:

- “Святой источник” МЧЖ;
- “Самремстройсервис” МЧЖ;
- “Самаркандстрой” МЧЖ;
- “Рухободстрой” ХФ;
- “Самжилстрой” МЧЖ.

Қурилиш ташкилотлари-талабгорлар бўйича қуйидаги ахборотлар мавжуд:

“Рухобод” ХФнинг бундай объектлар қурилиш бўйича етарли малакага эга эмас, “Самаркандстрой” МЧЖ банкротлик чегарасида турибди.

Тижорат таклифларига мувофиқ қурилиш таркилотлари объект қурилишининг қуйидаги баҳоларини таклиф қилишди:

- “Святой источник” МЧЖ – 1 500 000 минг сўм,
- “Самремстройсервис” МЧЖ – 1 450 000 минг сўм,
- “Самаркандстрой” МЧЖ – 1 350 500 минг сўм,
- “Рухободстрой” ХФ – 1 400 000 минг сўм,
- “Самжилстрой” МЧЖ – 1 420 000 минг сўм.

1-топширик:

Талабгорлар томонидан такдим қилиши лозим бўлган оферталар таркиби аниқлаштирилсин.

2-топширик:

Саволга жавоб берилсин: Ушбу кўрсатилган барча талабгорлар тендер савдоларида қатнашишлари мумкинми?

3-топширик:

Саволларга жавоб берилсин:

1. Ушбу тендер савдолари қайси турга киради?
2. Қайси қурилиш ташкилотида ушбу савдонинг ғолиблигини киритишга имконияти кўпроқ?

**Топшириқ.** Тест саволларига жавоб беринг.

1. Танлов савдоларини ташкил қилувчиси ким?
  - A) Буюртмачи
  - B) Буюртмачи пудратчи билан
  - C) Махсушлаштирилган ташкилот
  - D) Танлов комиссияси
  
2. Танлов савдоларини ўтказиш жараёни ким томонидан амалга оширилади?
  - A) ЎзР давархқурилиш қўмитаси
  - B) савдони ташкил қилувчи
  - C) Лойиҳа ташкилоти

D) Танлов комиссияси

3. Танлов савдоларида қатнашмоқчи бўлган фирма, корхона, ташкилот нима деб аталади?

A) оферент

B) қурувчи

C) пудратчи

D) инвестор

4. ... - буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати.

A) бошланғич нарх

B) смета харажатлари

C) смета фойдаси

D) шартномавий жорий нарх

5. ... - офертани баҳолаш учун танлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик орган.

A) инвестор

B) буюртмачи

C) оферент

D) баҳоловчи гуруҳ

6. ... - инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар ҳаридини амалга ошириш учун белгиланган тартибда инвестор томонидан белгиланган юридик шахс.

A) танлов комиссияси раиси

B) буюртмачи

C) оферент

D) баҳоловчи гуруҳ

7. ... - товарлар , ишлар ва хизматлар харидига ўз маблағларини ёки қарз олинган маблағларини (бюджетдан молиялаштиришда- назарда тутилган маблағларини) қўювчи юридик ёки жисмоний шахс.

A) инвестор

B) буюртмачи

C) оферент

D) баҳоловчи гуруҳ

8. ... – янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш , реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа – қидирув ишларини бажариш.

A) капитал қурилиш

B) капитал таъмирлаш

C) жорий таъмирлаш

D) жорий қурилиш

9. ... – офертаси савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклиф этилган шартларда танлов савдоларида қатнашиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс.

A) талабгор

B) буюртмачи

C) оферент

D) баҳоловчи гуруҳ

10. ... – танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчисини танлаш усули.

- A) танлаш мезонлари
- B) танлов савдолари;
- C) оферент;
- D) буюртма;

### **Назорат саволлари:**

1. Нарх қандай вазифаларини бажаради?
2. Нархга қандай омиллар таъсир қилади?
3. Нархни шакллантиришнинг қандай стратегияларини биласиз?
4. Нарх қандай элементлардан иборат?
5. Қурилиш маҳсулотига нархни шакллантириш жараёнига қурилишнинг қандай хусусиятлари таъсир этади?
6. Қурилишнинг смета қиймати қандай харажатларни ўз ичига олади?
7. Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати қандай элементлардан иборат?
8. Тўғри харажатларга нималар киради?
9. Тўғри харажатлар қандай аниқланади?
10. Устама харажатларга қандай харажатлар киради?
11. Устама харажатлар қандай аниқланади?
12. Қурилишнинг смета қиймати қандай усуллар ёрдамида аниқланади?
13. Капитал қурилишда қандай иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда?
14. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш асосий йўналишларини айтиб беринг.
15. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш учун давлат томонидан қандай қарорлар қабул қилинди?
16. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш учун қандай меъёрий ҳужжатлар тузилган?



- 17.Объектларни қурилиш баҳоси жорий нархларда қандай усул ёрдамида аниқланади?
- 18.Қурилиш баҳоси қандай элементлардан иборат?
- 19.Пудратчи томонидан ҳисобланган таклиф нархи қандай аниқланади?
- 20.Шартнома баҳоларнинг қандай турларини биласиз?
- 21.Бинонинг смета қиймати деганда нимани тушунасиз?
- 22.Смета ҳужжатлари қандай нормативлар асосида тузилади?
- 23.Смета ҳужжатлари таркибига қандай ҳужжатлар киради?
- 24.Локал сметани тузишда қандай ресурслар ҳисобга олинади?
- 25.Локал сметалар қандай тузилади?
- 26.Смета ҳужжатларини тузиш учун қандай электрон дастурлар қўлланилади?
- 27.Қурилиш баҳоси қандай элементлардан иборат?
- 28.Асбоб-ускуналарга харажатлар қандай ҳисобланади?
- 29.Қурилиш материалларга харажатлар қандай аниқланади?
- 30.Иш ҳақиға харажатлар қандай ҳисобланади?
- 31.Пудратчининг бошқа харажатлари қандай ҳисобланади?
- 32.Пудратчининг бошқа харажатларига нималар киради?
- 33.Буюрмачининг бошқа харажатлари қандай харажатлардан иборат?
- 34.Буюрмачининг бошқа харажатлари қандай ҳисобланади?
- 35.Инвестиция деганда нимани тушунасиз?
- 36.Қурилишни молиялаштириш қандай манбаларни биласиз?
- 37.Қурилишда қандай шартномалар тузилади?
- 38.Қурилиш марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилганда қандай шартнома тузилади?
- 39.Республикада Инвестицион Дастур неча босқичда шакллантирилади?
- 40.Республикада марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш тартибини айтиб беринг?
- 41.Танлов савдоларининг мақсади нимада?

42. Кимлар танлов савдолари қатнашчиси деб ҳисобланади?
43. Танлов савдолари қандай шаклларда ўтказилади?
44. Оферентларга қандай талаблар қўйилади?
45. Танлов ҳужжатларининг таркибига нималар киради?
46. Қайси ҳолларда танлов савдолари ўтказилмаган ҳисобланади?
47. Буюртмачининг мажбуриятлари нималардан иборат?
48. Танлов ҳужжатлари экспертизадан қандай ўтказилади?

### **Таянч иборалар:**

Нарх, нархнинг вазифалари, нархга таъсир этувчи омиллар, харажатлар ва белгиланган фойда усули, талабга асосланган усул, рақобатга асосланган нарх усули, қурилишнинг хусусиятлари, бино ва иншоотлар қурилишининг смета қиймати, қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати, тўғри харажатлар, устама харажатлар, смета фойдаси, ресурс усули, йириклаштирилган кўрсаткичлар, смета меъёрлари. Қурилишда иқтисодий ислохотлар, қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш, смета-норматив базаси, жорий шартномавий нархлар, танлов савдолари, ҚМҚ, ШНК. Ресурс усули, шартнома баҳоси, ишчилар иш ҳақига харажатлар, қурилиш материалларга харажатлар, машина механизмлардан фойдаланиш харажатлари, таваккалчилик коэффиенти, пудратчининг бошқа харажатлари, буюртмачининг бошқа харажатлари, қурилишни суғурталаш харажатлари, смета ҳужжатлари, локал ресур ҳисоби, ресурс сметаси, қурилишни тавсия этиладиган қиймати. Капитал қурилишда иш вақти фонди (киши-соат), ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, статистик ойлик иш ҳақи даражаси, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ўртача соатлик иш ҳақи, объектнинг норматив меҳнат сарфи, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сарфи, умумлашган ресурс ҳисоби, ускуналар, мебель, ва инвентарлар сарфи, ресурс – смета меъёрлари асосида тузилган спецификациялар. Пудратчининг

бошқа харажатларининг салмоғи, вақтинчалик бино ва иншоотлар, қишки қимматлашув, ишчиларни ташиш, қурилишнинг вахта методи, лойиҳа–қидирув ишлари, лойиҳа ҳужжатлари ва муаллифлик назоратини ўз ичига олган ҳолда танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдосини ўтказиш, техник назоратни амалга ошириш, банк кредитининг фоизлари, бузиб ташланган иморат, кесиб ташланган дарахтлар ва буталар учун эгасига тўланадиган бадал ҳақи, таваккалчилик коэффиценти. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, инвестициялар, инвестиция лойиҳалари, қурилишда шартномалар турлари, анъанавий шартнома, лойиҳа-қурилиш шартномаси, уч томонлама шартнома, «қурилишни калити билан топшириш» шартномаси, Инвестицион дастурни шакллантириш схемаси, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Танлов савдолари, оферент, буюртмачи, инвестор, танлов комиссияси, оферта, танлов ҳужжатлари экспертизаси, очик танлов савдолари, ёпиқ танлов савдолари, тендерни уюштирувчи ташкилот.

### **Адабиётлар рўйхати:**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон, 2009г.
2. Каримов И.А. Наша основная задача – обеспечение дальнейшего развития и процветания страны и народа. «Ўзбекистон» 2010.
3. Доклад президента Республики Узбекистан И.Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2015 год.
4. Деева А.И. Ценообразование: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2011.- 360с.
5. Ардзинов В.Д. Ценообразование и составление смет в строительстве.- СПб.: Питер, 2008.-240с.
6. Степанов П.С. Экономика строительства. -М.: Юрайт, 2005.

7. Сметное дело и ценообразование в строительстве: Учебное пособие/ В.В.Бузырев, А.П.Суворова. – СПб.: СПбГИЭУ, 2004.- 202с.
8. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие. – Ташкент: Литературный фонд союза писателей. 2004.-128с.
9. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Ценообразование в строительстве. Учебное пособие. Т.: ТАСИ, 2012.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Тендерные торги в строительстве и их организация. Т.: ТАҚИ, 2012.
2. Махмудов Э.Х. Экономика капитального строительства. Учебное пособие. Т.: ТДИУ, 2009.
3. Об основных направлениях дальнейшего углубления экономических реформ в капитальном строительстве / Госархстрой РУз / Материалы семинара.- Ташкент, 2003.
4. Постановление КМ РУз «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений» от 11 июля 2003г. № 261.
5. Временное положение о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах. / Приложение к Постановлению КМ РУз от 11 июля 2003г. № 261.
6. Постановление КМ РУз «О мерах по совершенствованию системы конкурсных торгов в капитальном строительстве» от 3 июля 2003г. № 302.
7. Положение о конкурсных торгах в капитальном строительстве на территории Республики Узбекистан. / Приложение к Постановлению КМ РУз от 3 июля 2003г. № 302.
8. Сборники ШНК Госархитектстроля РУз.
9. Каталог текущих цен на материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан. Т.-2017.

10. Интернет сайтлари:

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)

[www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)